



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

М.Х.Юсупов - «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бўлим бошлиғи, и.ф.н.

Р.Т.Раззоқов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан полимер - ёғоч композит материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб полимер - ёғоч композит материаллар ҳақида умумий маълумот

олиш, керакли хом ашё турлари, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъерий хужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА


Кириш	6
I. Полимер-ёғоч композит материаллари маҳсулотлари ҳақида умумий маълумот	12
1.1 Полимер-ёғоч композит материаллари ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2. Полимер-ёғоч композит материалларининг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	18

1.3. Афзаллуклари	22	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи хужжатлар	56
1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	24		
II. Ҳом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	26	6.2 Экологик хужжатларни расмийлаштириш	60
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	36	VII. Мехнатни муҳофаза қилиш	62
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	40	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	64
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	42	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўtkазиш механизми	70
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	46		
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	48	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	72
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	50		
VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	54	Фойдаланилган адабиётлар	74

КИРИШ







Бунёдкорлик ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этиши, замонавий меъморчилик янги, сифатли, арzon, енгил ва энергия тежамкор, инновацион маҳсулотларни талаб қили-

ши инобатга олинса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси тараққиёти ва аҳамиятини ҳис қилиш ва англаш қишин эмас.

Республикамизда ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсу-

лотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бүйича барқарор үсиш суръатларини таъминлаш мақсадида мавжуд қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилған таркииб ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалға оширилмоқда.

Бунда тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ре-

спубликада мавжуд маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва бунинг натижасида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш құвватларини юқори күрсаткічларда бўлишини таъминлаш билан бирга экспорт ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу, ўз навбатида, нафакат ички бозорни таъминлаш, балки хорижий давлатларга экспорт қилишга ҳам имконият



яратмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланиш учун жуда юқори салоҳиятга эга.


Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида полимер композитлардан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш XX асрнинг 70 - йиллари охирларида бошланган. Полимер - ёғоч композит ишлаб чиқариш учун биринчи корхона 1977 - йилда Швецияда пайдо бўлди. Ўша пайтда, маҳсулотларнинг якуний харатжатларини пасайтириш учун тахминан 30% майдаланган ПВХ аралашмаси кўшилган. Ўтказилган биринчи тажрибалар жуда муваффакиятли бўлмаган - янги материалга бўлган талаб аҳамиятсиз деб ҳисобланган. Фақат 1990 – йилларга келиб Финляндия, Швеция, Германия, Италия, Голландия, Япония ва

АҚШда ёғоч-полимер композит яратиш соҳасидаги изланишлар қайта тикланди. Ёғоч-полимер композитларга бўлган талаб автомобил саноати учун юқори мустаҳкам қисмларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан деган фараз мавжуд. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб қурилиш саноатида ёғоч-полимер композитни қўллаш соҳалари кенгайиб борди.

Ҳозирги вактда ёғоч-полимер композит материаллари АҚШ, Хитой ва Фарбий Европа мамлакатларида фаол тарзда ишлаб чиқарилади ва ишлатилади. Ёғоч-полимер композитнинг глабал истеъмоли ҳажми 2 миллиард долларга баҳоланмоқда ва ушбу кўрсаткичда Хитойнинг жаҳон бозоридаги улуши ортиб бормоқда. Дунёда ёғоч-полимер композитларининг 650 дан ортиқ ишлаб чиқарувчиси бор.



I. ПОЛИМЕР-ЁФОЧ КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





1.1 Полимер-ёғоч композит материаллари ишлаб чиқарыши истиқболлары ва жаҳон тажрибаси



Ёфоч-полимер композит кимёвий қүшимчалар билан ўзгартырған полимер материалдир. Полимер бөгловчи материалнинг матрицаси ҳисобланади. Ёфоч-полимер композит матрицаларини ишлаб чиқаришда энг кенг тарқалган хом ашё полизтилен (ПЕ), полипропилен (ПП) ва поливинилхlorид (ПВХ) ҳисобланади. Бу номларнинг барчаси ушбу материалнинг асосий афзалликларини белгилаб беради.

Ёфоч-полимер композицион материаллар учта асосий компонентдан иборат:

Майдаланган ёфоч зарралари, 30-80% (ишлатиладиган полимерга қараб);

Термопластик полимер;

Таркиби ва олинган маҳсулотларнинг технологик ва бошқа хусусиятларини яхшилайдиган маҳсус кимёвий қүшимчалар (модификаторлар) мажмусаси - 0-5%.

Ҳозирги вақтда ПЕ ва ПВХ

асосидаги ёфоч-полимер материаллар кенг тарқалған. Шу билан бирга, ПВХ асосида ишлаб чиқарылған маҳсулотлар ПЕ ва ПП билан солиширганда энг яхши мустаҳкамлик, ёнувчанлик ва бошқа хусусиятларга эга. ПП ва ПЕ материаллари заҳарли эмас ва улар атроф-мухит учун хавфсиз. ПВХ таркиби туфайли атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ушбу элементни барқарорлаштириш учун күпроқ қүшимчалар киритилиши керак.

Ёфоч-полимер композит маҳсулотлари табиий ёфочнинг барча хусусиятларига эга ва баъзан устун ҳамдир. Ёфоч-полимер композит чиримайди ва моғорланмайди, қуриб кетмайди ва ҳарорат ўзгаришидан ва қуёшнинг бевосита иситишидан ёрилиб кетмайди. Ултрабинафша нурлар, намлиқ, сув, микроорганизмлар ва ҳашаротлар ҳужумларига чидамли. Ушбу материал ташқи меморий дизайннинг ажойиб

безак элементларини яратиш мүмкин. Баъзи ёғоч-полимер композит ишлаб чиқарувчилар тайёр маҳсулотларни маҳсус ҳимоя воситаларисиз 10-50 йилга кафолат беради. Шу билан бирга, ёғоч-полимер композитларнинг барча материаллари худди ёғоч каби ишлов берилиши мүмкин: юзани текислаш учун ишлов бериш, михлар ва муравватлар билан мустаҳкамлаш, арралаш, бўяш ва бошқалар.


Ёғоч-полимер композит маҳсулотларининг асосий қисми ҳозирда экструзия йўли билан ишлаб чиқарилмоқда.

Дунёда ёғоч-полимер композитларининг 650 дан ортиқ

ишлаб чиқарувчиси бор, шу жумладан Европа мамлакатларида ушбу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш яхши ривожланган. Бугун дунёда Novo-Tech GmbH, Möller GmbH, Kosche Profilummantelung GmbH, Werzalit ва Naturinform (Германия), Silvadec (Франция), Deceuninck Group, Neofibra NV ва Eco-Profil (Бельгия) каби бир қатор ишлаб чиқарувчилар фаолият олиб боришади. Ёғоч-полимер композитлари бўйича халқаро форум эксперталарининг фикрича, кейинги бир неча йил ичидаги бутун жаҳон ёғоч-полимер композит бозори ҳар йили 9% га ўсади.



**1.2 Полимер-ёғоч композит
материаларининг турлари, ўлчамлари,
физик-механик кўрсаткичлари**



Фасадни ёғоч-полимер материаллар билан қоплаш уларни кесиш, арралашнинг осонлиги ва ўрнатишнинг қулайлиги туфайли машхурликка эришмоқда. Ёғоч-полимер панеллар декоратив функцияни бажаради, шунингдек бинонинг ташқи деворларини ножұя таъсирлардан самарали ҳимоя қилади. Панелларни ўрнатиш осон, улар мустаҳкам ва бардошли, ўрна-

тишдан кейин маҳсус парвариша қүшимча дизайн талаб қилмайды. Ёғоч-полимер композит материаллар қурилиш бозорида янги турдаги, инновацион материалдир. Ушбу материал таркибидаги асосий таркибий қисм - бу ёғоч қириндиси ҳисобланади. Унинг таркибидаги улуши 60% дан ошди.

Бундан ташқари, ёғоч-полимер композит панелларида



бўёқлар, полимер элементлар, бириктирувчи моддалар мавжуд. Материални ташкил этадиган элементлар унга муқобиллардан ажратиб турадиган рангларнинг тўйинганлик, куёш нурларига чидамлилик ва мустаҳкамлик каби сифат хусусиятларини беради. Ёғоч-полимер композициясидан ясалган плиталар ёғоч хусусиятларига эга, аммо таркибидаги полимерлар ҳисобига улар чиримайди ва намлика учрамайди.

Бир сўз билан айтганда, ёғоч-полимер композициялари модификацияланган ёғочдир. Юқори сифатли ишлаб чиқариш технологиялари туфайли материалнинг сифат ва физик-механик хусусиятлари яхшиланган.

Ёғоч-полимер композит материалларнинг хусусиятлари уни ҳар қандай об-ҳаво шароитида ўрнатишга имкон беради,

аммо уни +10 °C дан паст бўлмаган ҳароратда ўрнатиш афзал ҳисобланади.

Стандарт ёғоч-полимер композит материаллар қўйидаги техник хусусиятларга эга:

Плитанинг кенглиги - **20,4 см;**

Узунлиги - **3 м дан 3,6 м** гача;

Ундан фойдаланиш ҳарорати - **-50 дан +70 °C** гача;

Сувни ўтказувчанлиги - **3%** дан кам;

Емирилиш - **0,1 г/см²** дан кўп эмас;

Эгилишдаги мустаҳкамлик - **35 МПа.**

Ёғоч-полимер композит материаллар фасад плиталири ёнгин хавфсизлиги ва сифат стандартларига мос бўлиб бу тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган.



1.3. Афзалликлари



Барча қурилиш материалларида бүлгани каби ёғоч-полимер композит материаллар ҳам үзининг бир қатор афзаликтарга эга.

Афзаликтер.

1. Чидамлилик. Ёғоч-полимер композит материаллар ишлаб чиқарувчилар камида фойдаланиш муддатига 25 йил кафолат беради;

**2. Құшимча парвариша-
га эхтиёж йүқ.** Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган полимерлар туфайли материал үчмайды ва ҳар йили турли хил воситалар билан ишлов бериб, парвариша шарт эмас;

3. Ёғочга ёмон таъсир күрса-
тадиган зарапқунанда хашароттар, шунингдек қўзиқорин ва
моғор ёғоч-полимер композит материалга таъсир этолмайди;

4. Үрнатишнинг қулайли-
ги. Махсус маҳкамлагичлар ту-
файли ёғоч-полимер композит материалларни йиғиш осон ва сифатли үрнатиш учун қурув-

чидан махсус кўникмалар талаб қилинмайди;

5. Ёғоч-полимер композит
материалларни үрнатишдан ол-
дин деворни махсус тайёрлаш,
текислаш талаб этилмайди;

6. Ташқи омиллардан
ишончли ҳимоя. Материал қор,
ёмғир, шамол ва табиатнинг
турли инжиқларига чидам-
ли;

7. Ёнғин хавфсизлиги.
Ёғоч-полимер композит мате-
риалларни түғри үрнатиш та-
садиғий ёнғин чиқмаслигини
таъминлайди;

**8. Паст иссиқлик ўтка-
зувчанлиги** иссиқликни сақ-
лашнинг 30% миқдорда ўсиши
ни таъминлайди;

9. Экологик тоза. Ёғоч-по-
лимер композит материал-
лар ўзидан заарли моддалар
чиқармайди, инсон саломатли-
гига салбий таъсир кўрсатмайди;


10. Кенг ассортимент, ма-
териалнинг юқори декоратив
қиймати.

1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда



2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чыкарыш күрсаткичи 24,2 трлн сүмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сүмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллары, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бергә, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллары, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш күрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сүмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сүмни ташкил этиши күтилмоқда.



II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ





Ёғоч-полимер композит материаллар ишлаб чиқариш учун ёғоч қириндилари (таркибнинг деярли 60% миқдори), таркибга кўра поливинилхlorид, полистирол, полиэтилен, полипропилен, стабилизаторлар, полимерли ранг берувчилар, каолин, базальт момик ва бошқа хом ашёлар ишлатилади.

Республикамизда ёғоч материаллари ишлаб чиқариш миқдорининг камлиги сабабли, ишлаб чиқариш жараёнида тез ўсувчи ёғочбоп павловния дарахтидан фойдаланиш мумкин.

Республикамизда павловния кўчатини экиш, уни кўпайтириш билан боғлиқ бир қатор тизимили ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, республикада қурилиш материаллари, ёғоч ва ёғоч қириндили хомашё ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мебель саноатида ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, импорт ҳажмини кескин камайтириш, шунингдек, аҳолини муқобил энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги 520-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор билан Республика бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метрдан пастда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2020 – 2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари;

2020 – 2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этиш учун талаб қилинадиган кўчатлар миқдорининг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимликларига талабгорларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари ҳамда ўрмон фондига қарашли



ерлардан — ўрмон билан қопланмаган ер участкалари павловния етиштириш учун ижара хукуқи асосида ажратилишини таъминлаш топшириғи берилганды.

Қарорға күра ёғоч ва ёғоч қириндили хомашё ишлаб чиқарышни етарли хомашё билан таъминлаш, мебель ишлаб чиқарыш саноати самарадорлигини ошириш мақсадида павловния плантацияларини барпо этиш учун ҳар бир лойиҳага 100 гектардан кам бўлма-

ган ер майдони ажратилиши белгилаб берилди.

Мамлакатимизда сұнғи 5-6 йилларда павловнияга қызықиши ніхоятда ортиб бормоқда. Павловния ер шаридада мавжуд дарахтлардан нафақат энг тез ўсиши билан ажралиб туради, балки ҳаёлий гүзаллик кашф этиб гуллаши, қимматли ёғоч, асал, биомасса манбаи эканлиги билан қадрланади, у манзарали дарахт сифатида истироҳат боғлари, хиёбонларни безайди. Албатта, павловния

мамлакатимизда янги ўсимлик бўлгани учун жуда кўп саволлар пайдо бўлади.

Павловния дараҳтининг бир қанча турлари мавжуд.

Каталпа павловнияси – совуққа чидамлилиги бўйича 7 иқлимий худудга ($-17,5^{\circ}$ дан $-12,5^{\circ}$ гача) тегишли. Гуллари йирик, оч пушти, попуксимон бўлиб, дараҳтнинг энг юқорисидаги йирик шоҳларида йигилган. Павловниянинг ушбу тури бошқаларига қараганда анча секин ўсади. 4 – ёшидан бошлаб энига қараб сезиларли ўсиши кузатилади ва йилига ўсиш 1-2 сантиметрни ташкил этади, бу эса йиллик нозик ҳалқалар ҳосил бўлишига олиб келади. Шу хоссаси туфайли Каталпифолия ёғочи энг қимматбаҳо ҳисобланади ва оддий, масалан Томентоза ёғочига қараганда 3 баробар қиммат туради. Каталпифолия қанча узоқ вақт ўssa, йиллик ҳалқалари янада нозиклашаверади, нархиям ортаверади. Кулай иқлимий шароитда ва совуқ жойларда яхши ўсади.

Элонгат павловнияси - совуққа чидамлилиги бўйича 7 иқлимий худудга ($-17,5^{\circ}$ дан $-12,5^{\circ}$ гача) тегишли. Элонгат Павловнияси энг тез ўсуви турлардан бири бўлиб, танаси тиктурувчи, кенг конуссимон тожли дараҳтдир. Тўпгули супургисимон оч пушти, 30 сантиметр узунликкача боради. Ушбу тур Марказий Европанинг Италия, Испания каби илиқ худудларида етиштиришга мосдир. Тез ўсганлиги сабабли Элонгата биомасса олиш мақсадида ҳам етиштиришга жуда қулайдир. Мазкур тур Ўзбекистоннинг деярли ҳамма жойида ўсади, лекин Томентоза ва ШанТонг турлари каби кенг оммалашмаган.

Фартуней павловнияси – совуққа чидамлилиги бўйича 8 иқлимий худудга (-12° дан $-6,5^{\circ}$ С гача) оид. Фартуней павловнияси иссиқсевар тур бўлиб, танаси жуда тўғри ўсуви, дараҳт танасининг юқорисида жойлашган тожи узунчоқ кўринишда бўлиб, баландлиги 30 метргача етади. Мазкур тур

ёғочининг жуда юқори сифати билан таърифланади. Соғ фортуней бугунги кунда кам учрайди, унинг ўрнига Томентоза ва Шан Тонг турларининг дурагайи қўп етиштирилади.

Шан Тонг павловнияси – соvuққа чидамлилиги бўйича б иқлимий ҳудудга (-23,5 ° до -18° С) тегишли.

Чатиштиришдан олинган Шан Тонг дурагайида совуққа чидамлилик, тез ўсиш, тананинг тўғри ўсиши, дараҳт тожининг узунчоқ шакли ва чиройли гуллаши каби белгилар мужассамлаштирилган. Шан Тонг тури ер шарининг барча ҳудудларида ўстирилиши мумкин, хоҳ со-

вук, хоҳ иссиқ бўлсин. Тожининг узунчоқ шакли туфайли 1 гектар ерга кўп сонли дараҳт ўтқазилиши мумкин. Шан Тонг ҳозирги кунда қимматли ёғоч, кўп микдорда биомасса олиш учун плантациялар яратишга жуда мос павлония тури ҳисобланади. Павловния турлари ва навларининг хусусиятларини ўрганиш, инсон яратган Шан Тонг дурагайини ҳамма талабларга жавоб берадиган сифатли ёғоч берадиган, кўп микдорда биомасса олинадиган, шунингдек кўкаламзорлаштириш учун манзарали дараҳт сифатида етиштириш мумкин деган хуло-сага келиш имконини берди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги 520-сонли қарорига кўра республика бўйича тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метр чуқурлиқда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2022 – 2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари

Худудлар	Шундан, йиллар бўйича:					
	2022 йил		2023 йил		2024 йил	
	Захира ерлар- да	Ўрмон фонди ерла- рида	Захира ерлар- да	Ўрмон фонди ерла- рида	Захира ерлар- да	Ўрмон фонди ерла- рида
Андижон	140	22	210	24	245	27
Бухоро	-	7	-	8	-	10
Жиззах	60	16	90	18	120	20
Қашқадарё	-	23	-	25	-	29
Навоий	-	8	-	9	-	10
Наманган	120	30	130	33	150	38
Самарқанд	100	30	150	33	175	38
Сурхондарё	-	14	-	16	-	18
Сирдарё	60	6	90	6	120	10
Тошкент	250	32	300	26	300	30
Фарғона	140	22	210	25	245	29
Жами:	870	210	1180	223	1355	259

Павловния күчатлари түсін олиш учун 2,5x2,5 м үлчамда 1 гектарга 1600 та әкілади. 3 - 4 - йилда тахминан 1200 та күчат (75 %) түсін сифатида фойдаланиш учун кесілади. Қолған қисми, тахминан 400 таси ёғоч олиш учун 5x5 м үлчамда қолдирилади.

Ерни унимдорлиги ва тұғри олиб бориладиган агротехника табдирларында қараб 7-8 йиллар оралиғида 1 гектардан 300-1000 куб метр ёғоч олиш мүмкін. Бунда күчатнинг сифатига ҳам күп нарса боғлиқ.

Хозир 1 куб ёғочнинг бозор нарыхи 300 АҚШ доллары деб ҳисобласақ, үртата 600 куб ёғочни деярли 180 000 АҚШ долларында сотиши мүмкін.

Шунингдек, павловния дарахти 3-йилдан бoshлаб гуллаши ҳисобсаба олинса, 1 гектардан ёшига қараб 0,5-1 тоннагача асал олиш мүмкін.

Поливинилхлорид - (ПВХ, вестолит, хосталит, виннол, корвик, сольвик, сикрон, жеон, ниппеон, луковил, хелвик, нор-

вик ва б.) — винилхлориднинг чизиқли термопластик полимери, $-\text{[CH}_2\text{—CHCl]_n$. Зичлиги 1350—1450 кг/м³. Чүзилишга чидамлилық чегараси 600 кг/см², әғилишга чидамлилық чегараси 1200 кг/см², қаттыклиги 9,6 кг/мм².

Иссикқа чидамлилиги 70 °C, физиологик заарлардан, циклогексанон, хлор — ва нитробензолда эрийди, бензол, ацетонда оз эрийди, сув, спирт ва углеводородларда эримайды, нам, кислота, ишқор, тузлар эритмаси, саноат газлари, бензин, керосин, ёға ва спиртлар таъсирига чидамли. Винилхлорид $\text{CH}_2=\text{CHCl}$ нинг ёруғлик, иссиқлик ва турли инициаторлар таъсирида полимерланиши натижасыда ҳосил болады.

Поливинилхлориддан 3000 дан күпроқ маңсулот ва материал ишлаб чиқарылади. Поливинилхлорид таркибиға 40% гача пластификатор құшиб, — 50% гача чидамли эластик материал (пластикат) олиш мүмкін. Поливинилхлорид ку-


рилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарып, оғир саноат, машинасозлик саноатларида кенг қўлланади.

Полипропилен — пропиленнинг термопластик полимери [$\text{CH}_2=\text{CH}-\text{CH}_3-$], рангиз кристалл модда. Суюқланиш температураси 172 °С, зичлиги 920–930 кг/м³. Кислоталар, ишқорлар, эритувчилар ва анорганик емирувчи мухитларга чидамли. Бензол, органик эритувчилар ва эфирда эрийди. Полипропилен пропиленни оддий температура ва 10–40 атм. босимда катализатор иштирокида полимерлаб олинади. Полипропилен маҳсулотлари пухта ва ейилмайди, диэлектрик. Толалар, плёнкалар, идишлар, агрессив мухитлар учун қувурлар, совит-кичларнинг деталларини ишлаб чиқаришда қўлланади.

Полиэтилен - политең, полиэтен - [- CH_2-CH_2-] - карбозанжирли полимер. Рангиз, ярим шаффоф модда. Суюқланиш температураси олиниш

усулига кўра 105–130 °С, зичлиги 920 – 970 кг/м³. Эластиклиги ва чўзилишга мустаҳкамлиги юқори. Ишқорлар, хлорид, сульфат, фторид ва органик кислоталар таъсирига чидамли, хлор ва фтор таъсирида парчаланади. 80 °С дан юқорида углеводлар ва уларнинг хлорли ҳосилаларида эрийди. Радиоактив нурлар таъсирига чидамли, физиологик жиҳатдан заарсиз. Полиэтилен — жаҳон миқёсида термопластлар ишлаб чиқаришда биринчи ўринда турадиган энг арzon полимерлардан бири. Саноатда 3 хил усулда этиленни юқори босимда (1200–1500 ат), ўртacha босимда (30–40 ат) ва паст босимда (0–7 ат) полимерлаб олинади. Электр изоляция қопламалари, плёнкалар, қувурлар, қурилиш материаллари, емирувчи мухитлардан сақловчи материаллар, синмайдиган идишлар ва бошқалар тайёрлашда қўлланалиди.

Шўртан газ-кимё мажмуаси — жаҳондаги энг йирик газ




саноати корхоналаридан бири. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманинаги Шўртан шаҳар-часида жойлашган. 150 га дан ортиқ майдонни эгаллади. Маҳаллий конлардан олинадиган газни қайта ишлаб, органик синтез, **ПОЛИЭТИЛЕН**, ёқилғи гази, суюлтирилган газ, газ конденсати, донадор олтингугурт,

полиэтилен тагликлар, полиэтилен пленкалар ишлаб чиқарди. Лойиха қувватига кўра, мажмуда бир йилда 4,2 млрд. м³ газни қайта ишлайди.

Полиэтилен ишлаб чиқариш бўйича 2020 йил учун прогноз – 127 минг тонна ҳажмида белгиланган, амалда **132,5 минг тонна** ишлаб чиқарилди.

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





Ёғоч-полимер композит материаллар ишлаб чиқариш бир қатор босқичларни ўз ичига олади. Маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларининг ҳар бир жараёнида қатъий сифат назоратини ўтказиш талаб этилади. Бу эса тайёр маҳсулотнинг сифатли ва хавфсиз бўлишини таъминлайди.

Кўйида ёғоч-полимер композит материаллар ишлаб чиқариш жараёни келтирилган.

1-босқич. Дастлабки босқичда барча таркибий компонентлар олдиндан аниқлаб олинган рецептларга асосан бункерга солинади. Хом ашёлар аралаштирилади 130 °C хароратда киздирилади ва аралашмага айлантирилади.

2-босқич. Тайёр бўлган аралашма экструдерга юборилади. Экструдерда 310 °C хароратда аралашма яна эри-

тилади. Таркибий хом ашёлардан ташкил топган эритма тортувчи лента орқали экструдердан тортилади.

3-босқич. Ушбу босқичда дастлабки ёғоч-полимер композит шакллантирилади. Унга ёғочсимон кўриниш берилади. Сўнгра 15 °C хароратда совутилади.

4-босқич. Совутилган ёғоч-полимер композит материаллар тегишли ўлчамларда кесилади. Белгиланган ўлчамларда кесилган ёғоч-полимер композит материаллар қумқоғоз ёки унга ўхшаш материаллар ёрдамида силлиқлаш ишлари олиб борилаади.

5-босқич. Якуний босқич. Ушбу боқичда силлиқлаш ишлари олиб борилган тайёр ёғоч-полимер композит материаллар маҳсус цеплофанлар ёрдамида қадоқланади.

**Ёғоч-полимер композит
материаллар ишлаб чиқариш
технологияларининг
дастлабки нархлари.**

1. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарылган, суткасига 2000 пагонметр ёғоч-полимер композит материаллар ишлаб чиқариш құвватига эга кичик технологик линиянинг дастлабки нархи – 2 млрд сүм.

2. Турция Республикасида ишлаб чиқарылған, суткасига 2000 пагонметр ёғоч-полимер композит материаллар ишлаб чиқариш құвватига эга кичик технологик линиянинг дастлабки нархи – 3,1 млрд сүм.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида 3-7 нафар янги иш үрни яратилиши мүмкін.



IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республика-
сининг "Стандартлаштириш
тўғрисида"ги Қонунига асо-
сан барча маҳсулот ва хиз-
матлар тегишли тартибда
стандартлар асосида ишлаб
чиқарилиши қатъий белгилаб
кўйилган.

Шунинг учун ёғоч-поли-
мер композит белгиланган
стандарт талаблари доираси-
да ишлаб чиқарилиши зарур.
Ушбу стандартларни Ўзбеки-
стон Республикаси Инвес-
тициялар ва ташқи савдо ва-
зирлиги ҳузуридаги Техник
жихатдан тартибга солиш
агентлигининг Стандартлар

институтидан сотиб олиш
мумкин.

Норматив ҳужжатларда ёғоч-
полимер композит ишлаб чиқа-
риш, уларни сақлаш, хом ашёни
танлаш, хом ашё таркибида са-
ноат чиқиндиларидан фойдала-
ниш тартиби, маҳсулотни ташиш
даврий сифат кўрсаткичларини
текшириб бориш каби талаб ва
тавсиялар келтирилади.

Хорижда ушбу қурилиш ма-
териалига талаб юқори экан-
лигини инобатга олсак, ишлаб
чиқарувчилар чет эл мамлакат-
лари стандартлари асосида ҳам
маҳсулот ишлаб чиқаришлари
мумкин.

Ёғоч-полимер композит ишлаб чиқариш
ва у билан боғлиқ жараёнларни амалга
ошириш учун зарур стандартлар:


Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ Р 57843-2017	Ёғоч-полимер композициялари. Сиқилиш пайтида механик хусусиятларини аниқлаш усуллари
ГОСТ 28015-89	Бир қаватли ёғоч таҳта плиталари. Техник шартлар
ГОСТ 8673-93	Плиталар. Техник шартлар
ГОСТ 30427-96	Умумий фойдаланиш учун фанера. Ташқи күриниши бўйича таснифлашнинг умумий қоидалари
СН 2.2.4/2.1.8.566	Санитария меъёрлари ва қоидалари. Саноат тебраниши, турар жой ва жамоат биноларида тебраниш
ГОСТ 8242-88	Курилиш учун ёғоч ва ёғочдан тайёрганланган материаллардан тайёрганланган профиль қисмлари. Техник шартлар
СНиП 2.03.13-88	Поллар
СанПиН 2.1.2.1002-00	Турар-жой бинолари ва уларга қўйиладиган санитария-эпидемиологик талаблар

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-иловаси "2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати"га мувоғиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш




Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Ёғоч-полимер композит учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамд **З иш куни ичидা** тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган ёғоч-поли-

мер композит материаллардан намуналар олади. Махсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Ёғоч-полимер композит материаларини ишлаб чиқарыпда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари, соат индикаторлар, штангенциркул каби ўлчов воситаларидан фойдаланылади.

Ушбу ўлчов воситалари ёғоч-полимер композитнинг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлиги каби мухим фак-

торларни доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

V. САМАРАДОРЛИК ҚҰРСАТКИЧЛАРИ





**Иккиламчи хом ашёлардан тайёрланган,
12 мм қалинликдаги, 1 м² ёғоч-полимер
композит материалининг таннархи**

Хом ашёлар	Миқдори	Нархи, сўм	Умумий нархи, сўм
Полиэтилен	2,5	6 000	15 000
Ёғоч қириндиси	4	500	2 000
Полимер ранг берувчи	0,05	25 000	1 250
Полимер стабилизатор	0,4	30 000	12 000
Базалт момик	0,1	10 000	1 000
Умумий			31 250



**Иккиламчи хом ашёлардан тайёрланган, 50x200x5
мм ўлчамдаги, 1 метр ёғоч-полимер композит
материалининг таннари**

Хом ашёлар	Миқдори	Нархи, сўм	Умумий нархи, сўм
Полиэтилен	1	6 000	6 000
Ёғоч қириндиси	2,5	500	1 250
Полимер ранг берувчи	0,05	25 000	1 250
Полимер стабилизатор	0,01	30 000	300
Базалт момик	0,1	10 000	1 000
Умумий			9 800

2021 йил холатига кўра





VI. ЭКОЛОГИК МЕЬЁРЛАР ВА АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган мұхит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилған қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини эң мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек күйишга, табиатни мұхофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратылған давлат ва жамоатчылық чор-тадбирлари тизимиdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдағи **«Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдағи **«Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш тұғрисида»** Қонунлари табиий мұхит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим обьектлар мұхофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мұхитта эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлған даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мұхитни мұхофаза қилиш концепциясini тасдиқлаш тұғрисида"ги ПФ-5863-сонли фармонига биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш обьектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- иқтисодиётни экология-

лаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириклиаридан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий мухит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг күламда құлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши на-тижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум дара-жада мувозанатдан чиқмокда, бу эса ер юзида ҳаёттій жара-ён рисоладагидек кечишига хавф солмокда. Шу боисдан табиий мұхитни асраш муам-молари күп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожла-ниш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига күрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мүмкін эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир күрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

- 1) Табиатдаги барча ком-понент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳо-сил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун та-биий комплексда ўзгариш рўй беради;
- 2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳара-кати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;
- 3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян дав-рийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йил-лик ва кўп йиллик);
- 4) зоналик;
- 5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектла-
ри қуидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сув-
лар, ўсимлик ва ҳайвонот дунё-
си, атмосфера ҳавоси атроф
мухитта таъсир күрсатувчи
табиий ва техноген манбалар
атроф муҳит ифлосланишига ва
табиий ресурслардан нооқило-
на фойдаланишига олиб ке-
лиши, фуқароларнинг ҳаёти ва
соғлиғига таҳдид солиши мум-
кин бўлган фаолият, ҳаракат ёки
ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг тур- лари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик на-
зорати;
жамоатчилик экологик назо-
рати.

Ҳар қандай янги лойиха
бўйича ишлаб чиқариш корхо-
насини ташкил этилишида **эко-**
логия йўналиши бўйича 5 та

норматив-хужжат ишлаб чиқи-
лиши мажбурий тарзда қонун-
чилигимиз билан мустаҳкамла-
ниб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф мухитга таъ-
сири аризаси ҳақидаги хужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар
аризаси ҳақидаги хужжат;

ПДВ – атмосфера қатлами-
га чиқариладиган ташламалар
ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқари-
ладиган заарарли чиқинди оқа-
валар ҳақидаги норматив. Агар
чиқинди сувлар канализация
тармоғига уланса **КЭН** норма-
тиви ишлаб чиқарилади ;

ПДО – ишлаб чиқариш кор-
хонасининг фаолияти давоми-
да ажralадиган саноат ва маи-
ший чиқиндиларнинг худудга
ва атрофга жойлаштирили-
ши ҳақидаги норматив. Агар
чиқиндилар экологик сертифи-
катланган бўлса компенсацион
тўловларга тортилмайди.

VII. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб кўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилятигининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш ҳавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланышларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олди-даги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зимасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланышлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтингчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти

— маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги баҳт-сиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингчанда ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингчанда ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари —

меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш

— меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланшини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда восита-лари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингчанда ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш

омиллари — заарали ишлаб чиқариш омилиниң ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилиниң мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга заарали ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланилладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Ёғоч полимер-композит материаллар ишлаб чиқариш жараёнида асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

Ишлаб чиқариш жараёнида хонада шамоллатиш тизими, керакли полиэтиленни ташиш учун барча жиҳозлар корпус билан қопланиши ва шунингдек, чиқинди вентиляцияси билан жиҳозланган бўлиши керак. Хом ашёларнинг дозалари автоматлаштирилиши ва механизмларнинг таркибий қисмлари ва уланиш жойлари яхшилаб муҳрланган бўлиши керак.

Хом ашёларни майдалаш, аралаштириш, тушириш ва юклаш операциялари хонанинг ишчи майдонининг чангланишига ва ишчи танасининг кўрсатилган моддалар ва биримлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишига йўл қўймайдиган асбоблардан фойдаланган ҳолда механизациялаштирилган ва имкон қадар автоматлаштирилган бўлиши керак.



VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интэрактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интэрактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилған бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар тақлиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда этибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинадиган ёки ижарага олинадиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганини тўғрисидаги хужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот хужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А. А. Клесов "Ёғоч полимер-композит материаллар". 2010.
2. П.А. Мороз, А. Аскадский, Т.А. Мацеевич. "Ёғоч полимер-композит материаллар: структураси, хоссалари ва құлланилиши". 2020.
3. А. В. Абушенко. Замонавий суюқ дараҳт. 2008.
4. А. В. Абушенко. Ёғоч полимер-композит материаллар ишлаб чиқариш. 2008.
5. А. В. Абушенко. "Ёғоч полимер-композит материаллардан уй куриш мүмкінми?". 2008.
6. Полимерлар энциклопедияси.1972.
7. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 6.
8. Сатторов З.М. Курилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 6.
9. Lex.uz
10. Uzsm.uz



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

- Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-й.
- Мўлжал:** "Ўзбекистон почтаси",
"Ucell" бош оғиси.
- Алоқа учун:** + 998 (78) 120-35-94
- E-mail:** info@uzpsb.uz
- Сайт:** sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

- Манзил:** Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.
- Мўлжал:** Дўстлик боғи,
"Иchan қалъа" меҳмонхонаси
- Алоқа учун:** (71) 254-92-01
- E-mail:** info@uzqmliti.uz
- Сайт:** uzqmliti.uz

ПОЛИМЕР-ЁФОЧ КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУГИЙ ҚҰЛЛАНМА

ПОЛИМЕР-ЁФОЧ КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУГИЙ ҚҰЛЛАНМА



**Полимер-ёғоч композит материаллар ишлаб
чиқиш бўйича амалий услугубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.